



# TJAS

**Thematic Journal of Applied Sciences**

informing scientific practices around the world  
through research and development

# Thematic Journal of Applied Sciences

Volume 1, Issue 1, March 2021

Internet address: <http://ejournals.id/index.php/TJAS/issue/archive>

E-mail: [info@ejournals.id](mailto:info@ejournals.id)

Published by Thematics Journals PVT LTD

Issued Bimonthly

Chief editor

**S. G. Ahmed**

*Professor of Computational Mathematics and Numerical Analysis Faculty of Engineering, Zagazig University, Zagazig, Egypt, P. O. Box 44519*

*Requirements for the authors.*

*The manuscript authors must provide reliable results of the work done, as well as an objective judgment on the significance of the study. The data underlying the work should be presented accurately, without errors. The work should contain enough details and bibliographic references for possible reproduction. False or knowingly erroneous statements are perceived as unethical behavior and unacceptable.*

*Authors should make sure that the original work is submitted and, if other authors' works or claims are used, provide appropriate bibliographic references or citations. Plagiarism can exist in many forms - from representing someone else's work as copyright to copying or paraphrasing significant parts of another's work without attribution, as well as claiming one's rights to the results of another's research. Plagiarism in all forms constitutes unethical acts and is unacceptable. Responsibility for plagiarism is entirely on the shoulders of the authors.*

*Significant errors in published works. If the author detects significant errors or inaccuracies in the publication, the author must inform the editor of the journal or the publisher about this and interact with them in order to remove the publication as soon as possible or correct errors. If the editor or publisher has received information from a third party that the publication contains significant errors, the author must withdraw the work or correct the errors as soon as possible.*

**OPEN ACCESS**

Copyright © 2021 by Thematics Journals of Applied Sciences

## CHIEF EDITOR

**S. G. Ahmed**

*Professor of Computational Mathematics and Numerical Analysis Faculty of Engineering, Zagazig University, Zagazig, Egypt, P. O. Box 44519*

## EDITORIAL BOARD

**Yu Li**

*Wuhan University of Technology, China*

**Seung Man Yu**

*Seoul National University of Science and Technology, South Korea*

**Seyed Saeid Rahimian Koloor**

*Universiti Teknologi Malaysia, Malaysia*

**Eko Susanto**

*Menegment of journal Indonesia*

**Siti Mazlina Mustapa Kamal**

*Universiti Putra Malaysia, Malaysia*



**ПАРЛАМЕНТАРИЗМ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНING  
ЎЗИГА ХОС НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**Ахатжонов Суннатилло**

Наманган давлат университети тадқиқотчиси  
(Ўзбекистон)

**СВОЕОБРАЗНЫЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СТАНОВЛЕНИЯ И  
РАЗВИТИЯ ПАРЛАМЕНТАРИЗМА**

**Ахатжонов Суннатилло**

Исследователь Наманганский государственный университета  
(Узбекистан)

*Аннотация. Мазкур мақолада парламентаризм шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос назарий ва ҳуқуқий асослари, тарихий босқичлари ёритиб берилган. Шунингдек, Ўзбекистонда парламент тизимининг ўзига хос тараққиёт йўли ҳам таҳлил этилган.*

*Калит сўзлар: парламент, парламентаризм, Олий Мажлис, қонун, конституция, қонунчилик палатаси, демократия.*

*Аннотация. В статье описаны конкретные теоретико-правовые основы, исторические этапы становления и развития парламентаризма. Также анализируется конкретный путь развития парламентской системы в Узбекистане.*

*Ключевые слова: парламент, парламентаризм, Олий Мажлис, закон, конституция, законодательная власть, демократия.*

*Abstract. The article describes specific theoretical and legal foundations, historical stages of the formation and development of parliamentarism. The specific path of development of the parliamentary system in Uzbekistan is also analyzed.*

*Keywords: parliament, parliamentarism, Oliy Majlis, law, constitution, legislative power, democracy.*

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Олий Мажлисни қонун чиқарувчи орган сифатида таърифлайди. Шу боис қонун чиқариш унинг бош вазифаси бўлиб, парламент фаолиятининг асосини ташкил этади. Бунда қонун чиқариш жараёни ҳар жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган мураккаб жараён эканлигини таъкидлаш муҳимдир. Олий Мажлис ишининг аввал бошиданоқ унда қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга, ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлашга ўзига хос ёндашувлар шаклланди. Бу бошқа мамлакатлар ҳокимият вакиллик органлари хатоларини такрорламасдан, мамлакатимиздаги ўтиш даврининг хусусиятларини, Ўзбекистон халқининг табиатини, унинг анъаналари ва одатларини ҳисобга олган ҳолда ўзимизга хос ва мос қонун яратиш механизминини ишлаб чиқиш имкониятини берди.

Демократия қаердан бошланади - парламентдан бошланади. "Парламент - демократия мактаби", деймиз. Шундай экан, миллий парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши керак. Бу борада сиз, ҳурматли депутат ва сенаторлар барчага намуна бўлишингиз зарур. Чинакам баҳс-мунозара, принципиал тортишувлар аввало шу ерда - парламент минбарида бўлиши керак. Шундагина ҳар бир сиёсий партия, парламентдаги ҳар бир партия фракциясининг ҳақиқий қиёфаси ва позицияси аниқ намоён бўлади[1].

"Қонун чиқариш жараёни деганда, қонун чиқарувчи орган субъектларидан бири бўлган ҳуқуқий муносабатларда рўёбга чиқариладиган ҳаракатларнигина тушунмоқ лозим"[2]. У юридик жиҳатдан тартибга солинадиган ҳаракатларнинг мантиқий изчилликда амалга оширилувчи тизимидан иборат бўлиб, уларнинг натижасида қонун қабул қилинади. Бунда ана шу ҳаракатлар учун ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида қонун чиқарувчи орган албатта иштирок этиши хосдир. Бошқача айтганда, қонун чиқариш жараёни ҳаракатлар мажмуидан иборат бўлиб, улар воситасида Олий Мажлиснинг қонунчилик фаолияти амалга оширилади. Яъни, гарчи қонун чиқариш жараёнида у ёки бу субъектлар иштирок этсада, умуман у қонунлар яратиш бўйича парламент фаолиятининг тартиби сифатида ўрин тутади.

Қонун чиқариш жараёни амалга оширилиши натижасида қонунлар тизимига янги қонунчилик кўрсатмалари қўшилиб борадиган изчил босқичлардан иборат бўлади. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни қуйидаги тўртта асосий босқичдан иборат: 1) қонунчилик ташаббуси; 2) қонун лойиҳасини муҳокама қилиш; 3) қонунни қабул қилиш; 4) қонунни эълон қилиш (халққа етказиш). Шуниси ҳам борки, қонун чиқариш жараёни ҳуқуқ томонидан қаттиқ тартибга солинган. Унинг асосий тамойиллари ва тартиб-таомиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб қўйилган.

Қонунчилик ташаббуси, қонун чиқариш жараёнининг биринчи босқичи сифатида, ҳаракатлар мажмуидан иборат бўлиб, уларнинг натижасида қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳаси ёки қонунчилик таклифи киритилади ва парламент янги қонун чиқариш, амалдагисини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга қабул қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ, Олий Мажлисида қонунчилик ташаббусига, яъни ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар[3]. Ўз қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни парламентга киритиш имкониятига эга бўлган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг таркиби кенглиги қонун яратиш учун умумий демократик асосни, бу жараёнга жамият вакиллари жалб этиш бўйича ҳақиқий шарт-шароитни вужудга келтиради.

Жаҳонда парламентнинг ташкил топиши бевосита Парламентнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Парламент ҳақидаги замонавий тасаввурлар халқнинг минг йиллик бошқарув усули асосида шаклланган. Кейинчалик олимлар мазкур бошқарув усулини "демократия" деб аташган. Демократиянинг идеал шаклида барча фуқаролар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлиб, долзарб масалаларни муҳокама этиш учун бир жойда тўпланадилар. Натижада овоз бериш йўли билан қарор қабул қилинади. Албатта, бундай бошқарув усули кичик аҳоли пунктлари учун самаралидир, аммо бутун давлат миқёсидачи? Бир жойга бараваракайига 10 миллион ёки ундан ортиқ одамларни йиғиб бўлармиди? Йиққан тақдирда ҳам бундай йиғилиш неча кун давом этади? Чунки, қоидага кўра, ҳар бир фуқарога ўз фикрини айтиш учун сўз бериш керак. Шу сабабли кўп сонли фуқаролар номидан гапира оладиган битта вакилни сайлаш тақозоси пайдо бўлди. Албатта бу "соф демократия" эмас эди. Чунки сайланган фуқаронинг ўз дунёқараши, воқеа-ҳодисага нисбатан ўз фикри бўлади. Айнан соф демократия инъикосини биз замонавий Швейцария бошқарувида кўришимиз мумкин. У ерда бир йилга "амтман", яъни депутатлар сайланиб, улар профессионал даражада қонун лойиҳасини ишлаб чиқишади, овоз бериш ҳуқуқига эга фуқаролар эса уни ё тасдиқлашади ёки йўқ. Бундай бошқарув кўриниши плебисцитар демократия деб аталади[4].

Бунда қонун матнини ўзгартириш мумкин бўлмайди. Фақатгина "ҳа" ёки "йўқ" деган овоз берилади, холос. Аҳоли сонининг ўсиши, ижтимоий-сиёсий бошқарувнинг мураккаблашуви натижасида репрезентатив демократия, бундан ташқари айнан "демократия" сўзини "вакиллик" сўзи билан алмаштириш эҳтиёжи ҳам юзага келди. Ҳозирда мазкур функцияни Парламент тизими амалга оширмақда.

"Парламент" тушунчаси инглизча "Parliament"дан келиб чиқса-да, аслида у французча феъл - "parler" - "гапирмоқ"дан ҳосил бўлган. Айтиш жоизки, француз революциясигача у ерда чекка ўлкалар даражасидаги судларгина Парламент деб юритилган ва шунинг оқибатида у инглизчада эквивалент сифатида қабул қилинган[5].

"Парламент" ва "парламентаризм" ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлса-да, улар айнан эмас. Бироқ парламентсиз парламентаризмни тасаввур этиб бўлмайди. У парламент фаолиятига асосланган. Парламент қуйидаги хусусиятларга эга:

- депутатларни умумий эркин тарзда, тўғридан-тўғри сайлаш, бу эса мазкур давлатнинг юқори вакиллик органининг асосий кафолати ҳисобланади;
- ҳокимиятнинг бўлиниши тизимида эркинлик ва мустақиллик - айнан парламент ҳокимиятининг қонунчилик тизимини ташкил этади;
- давлат бошқаруви масалалари бўйича парламент ваколатининг юқори даражаси, масалан, ижро этувчи ҳокимият ишини ташкил этишда;
- қонун ижроси жараёнида конституцион мустақамланган ваколатлар[6].

Шу билан бирга парламентаризм парламентнинг сифат жиҳатдан юқори кўриниши ҳисобланади. Парламент парламентаризмнинг айрим элементларисиз ҳам мавжуд бўлиши мумкин, бу эса, авторитар режимга хос хусусият. Бироқ

парламентаризм ва авторитар тузум бир-бирига мувофиқ эмас.

Жаҳон парламентлари фаолиятига оид ҳуқуқий асосларнинг таҳлили шундан далолат берадики, уларнинг назорат қилиш функцияси Буюк Британия, Бельгия, Германия, Италия, Испания, Канада, Коста-Рика, Литва, Миср, Россия, Қозоғистон, Франция, Янги Зеландия, Япония ва бошқа давлатлар қонунчилигида аниқ кўрсатиб қўйилган. Масалан, 1978 йилда қабул қилинган Испания конституциясининг 66-моддасида "Бош Кортеслар Давлатда қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадидлар, унинг Бюджетини маъқуллайди. Ҳукумат фаолиятини назорат қилади, Конституция зиммасига юклаган бошқа ваколатларни бажаради", деб белгиланганини кўриш мумкин. Япония Конституцияси эса ҳукуматнинг Парламент (Коккей) олдидаги коллектив жавобгарлиги принципини мустаҳкамлаган. Буюк Британиянинг "Парламент тўғрисида"ги 1911 йилги Қонунига кўра, парламент Ҳукумат фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Унинг ташкил этилиши қуйидаги шаклларга асосланади: вакиллар палатаси депутатлар ҳукумат аъзоларига саволлар йўллайдилар. Вазирлар вакиллар палатаси мажлисларида ушбу саволларга жавоб қайтарадилар, шунингдек, ёзма жавоб тайёрлайдилар, бу жавоб парламент ҳисоботларида нашр этилиб, жамоатчиликка эълон қилинади[7].

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг парламент назорати соҳасида бир неча асрларда орттирган тажрибаси Ўзбекистонда бу соҳадаги миллий анъаналар билан уйғунлаша бошлади. Маълумки, парламентаризм ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида демократик тузумга хосдир. Парламентаризмни халқ суверенитети ташкилий шаклининг ташқи ифодаси сифатида ҳам белгилаш мумкин. Парламентаризм конституцион равишда мустаҳкамланган, давлат органлари ва ижтимоий ташкилотлар ҳуқуқий мустаҳкамланиб, давлат органлари ва ижтимоий-сиёсий структураларнинг ўзаро боғлиқ тизими ҳисобланади.

Европа давлатларида Дж.Локк ва Ш.Монтескье томонидан асосланган "ҳокимиятнинг бўлиниши" тамойилига мос ҳолда конституцион ҳужжатлар давлат ҳокимиятига юклатилган ваколат ва вазифаларни чеклаш ҳақида назарияни мустаҳкамлайди. Дж.Локк ва Ш.Монтескье фикрларига кўра, ҳокимиятнинг мавжудлиги муқаррар равишда уни суистеъмол қилишга тайёр кучларнинг борлигини ҳам англатади. Шунинг учун ҳокимиятни мустақил тармоқларга ажратиш ва уларнинг ўзаро масъулиятга таянадиган фаолиятини йўлга қўйиш зарур.

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг бошларида парламентаризм эркинликни таъминлашга қаратилган энг самарали ижтимоий-сиёсий механизм сифатида талқин этила бошланди. Парламентаризмнинг ваколатини давлат органларидан юксак ҳуқуқини кафолатловчи қонуний ҳужжат конституция ҳисобланади.

XVIII - XX аср бошларида Буюк Британияда парламент тизими аниқ институционаллашиб бўлганлиги сабабли аксарият ҳуқуқшунослар Европа парламентаризмининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлилинини Вестминстер модели асосида амалга оширишига муҳим эътиборни қаратишди. Яна шуни таъкидлаш керакки,

Буюк Британияга хос бўлган парламентаризм унсурлари нафақат конституцион монархия шаклидаги, балки парламент ва президентлик республикалари шаклига асосланган давлатларда ҳам қабул қилинди[8].

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида илмий адабиётларда "парламент устунлиги" назарияси кенг ўрин эгаллади. Ж.С.Миллнинг қуйидаги фикри эътиборга лойиқ: "Парламент устунлиги парламентаризмнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланиб, унинг моҳияти давлат ишларида устунлик халқ вакиллари органининг қўлида бўлишини талаб этади"[9]. Мазкур назариянинг асосчиларидан яна бири А.Дейсининг ёзишича: "Парламентаризмга олий вакиллик органининг қудрати хос, чунки унинг ижтимоий фикридан ташқари ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас"[10].

Замонавий парламентаризмнинг муҳим жиҳатларидан бири қонунчилик органи таркибидаги палаталар миқдоридир. Айни пайтда қонунчилик ҳокимиятининг бир палатали ва икки палатали шакли нисбатан кенг тарқалган. У ёки бу шаклни танлаш кўп жиҳатдан мамлакатнинг тарихий анъаналари, миллий хусусиятлари, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасига боғлиқдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда дунёнинг етакчи ва ривожланган давлатларида асосан икки палатали Парламентлар фаолият кўрсатади. Бундай ҳолатни ҳам федерал, ҳам унитар давлатлар мисолида кузатиш мумкин. АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Испания, Бельгия, Голландия, Чехия, Польша, Япония, Швецария, Руминия каби унитар давлатлар шулар жумласидандир. Агар XX асрнинг 70-йилларида икки палатали Парламентлар 45 та давлатда амал қилган бўлса, XXI асрнинг бошига келиб уларнинг сони 70 га етди. Бундан ташқари ўнлаб давлатларда икки палатали Парламент тузишга тайёргарлик кўрилмоқда.

2000 йилда аҳолисининг умумий сони 600 млн. кишини ташкил қилган 19 та Европа мамлакатларида икки палатали Парламент фаолият кўрсатди[11]. Бу эса жаҳонда асосан икки палатали Парламент тузиш анъанаси таркиб топаётганидан далолат беради.

XX асрнинг бошларида "парламент устунлиги" назарияси ўз мавқеини йўқота бошлади. Бироқ ташкилий куч сифатида парламент ролининг кучсизланишига қарамай қонунчиликда ва бошқарувда у "ижтимоий фикрни жонли кучга айлантириб, давлатни бошқарадиган мураккаб тизимга йўналиш берувчи, бирлаштирувчи кучли механизм"[12] сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Парламентаризмнинг кейинги ривожланиши XX асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Биринчи ва иккинчи жаҳон уруши натижасида ижтимоий-сиёсий институтлар инқирози, анархия - синдикализм, коммунизм ва фашизм пайдо бўлиш даврида парламентаризмнинг либерал интеграцияси ҳар томонлама танқидга учради.

Немис олими К.Шмитт парламент фаолиятига салбий таъсир ўтказувчи парламент демократиясининг ички қарама-қаршиликлари ҳақида бир неча маротаба таъкидлаб ўтган. Унинг фикрича, "либерал парламентаризм ва демократия тушунчалари бир-бирига мувофиқ эмас"[13]. Парламентаризм концепциясининг



ўзига хос қайта жонланиши 1960 - 1970 йилларда сиёсий-ҳуқуқий фикр яна ҳокимиятни бўлиш принципига мурожаат этганида содир бўлди.

Шахс манфаати билан кўпчилик манфаати ҳар доим ҳам бир-бирига мос келавермайди. Индивид, айниқса, у ўзига маъқул бўлган маълум бир ижтимоий гуруҳга қўшилган заҳоти кўпчилик (жамият) манфаатини қабул қила олмайди. Кўпчилик манфаати шахс (индивид) манфаатига, кўпчилик фикри шахс (индивид) фикрига айнан мос бўла олмаслигини кейинчалик Фарб фалсафаси ва ижтимоий ҳаётида индивидуализмнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатганини Сукрот ҳаёти билан боғлиқ қуйидаги мисолда кўришимиз мумкин: "Афина халқ йиғинида жуда кўпчилик бақириб-чақиради: Одамларнинг истаган нарсани қилишига халақит бериш ваҳшийликдир. Шунда Сукротдан ташқари ваҳимага тушган барча одамлар ушбу масалани кўриб чиқишга рози бўлишди. Сукрот эса деди: Ҳар қандай хавф остида ҳам қонунга зид иш қилмайман" (Ксенофонт)[14].

Ушбу мисол демократия шароитида инсон, гуруҳ ва жамият манфаатлари қанчалик хилма-хил бўлмасин, амалдаги қонунларга зид келмаслиги зарурлиги ҳақидаги ғояни характерлайди. Демократик қадриятлар инсон (шахс) манфаатларининг қонунлар доирасида бўлишини тақозо этади.

Бироқ ушбу уйғунликни ким қандай тарзда ҳамда қандай усуллар билан таъминлаши билан боғлиқ муаммо юзага чиқади. Тоталитар тузум даврида ушбу вазифа давлат зиммасига юклатилади, зеро, бундай шароитда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳатто қонунлар орқали қонунларни чиқариш давлат органининг функцияси ҳисобланганида ҳам манфаатларни уйғунлаштириш тўлалагича давлат ихтиёрида ва унинг ифодаси бўлиб қола олмайди. Фуқаролик жамиятининг ички қонунлари ҳам бунга йул қўймайди. Илмий адабиётларда давлат ҳокимиятини шакллантириш ва мустақамлашда халқнинг бевосита (референдум, сайлов, плебисцит, йиғинлар, кенгашлар ва б.) ҳамда билвосита (вакиллик органлари, сиёсий партиялар, уюшган халқ ҳаракатлари ва ташкилотлари) иштирок этишининг кўринишлари мавжудлиги таъкидланади[15].

"Референдумда умумхалқ овоз бериш йўли билан қонун (маълум масала юзасидан қарор) қабул қилинади. Унда қабул қилинган ҳужжат бевосита халқ ҳукми тарзида императив (мажбурий) маъно касб этади ва у шу заҳотиёқ юридик кучга эга бўлади. Умумхалқ муҳокамалари эса референдумдан фарқ қилади. Бунда қонун лойиҳаси ёки бошқа муҳим масала матбуотда эълон қилиниб, кенг халқ муҳокамасига чақирилади. Муҳокама натижалари давлат ва идоралар учун мажбурий эмас, балки маслаҳат тусига эга бўлади"[16].

Буюк Британия парламенти - дунёдаги энг кекса парламентлардан бири. У XIII аснинг охирларида пайдо бўлди ва мамлакатнинг бутун сиёсий тарихи давомида ҳозирги кунгача узлуксиз фаолият олиб бормоқда. Айни пайтда, Буюк Британия парламенти эски ва янги шакллар уйғунлашувининг намунасидир. Бу ерда гап асрлар оша "парламент" тушунчасининг мазмунининг ўзгариб, бойиб бориши ҳақида бормоқда. Юқори қонунчилик органининг парламенти ҳақида сўз кетса,

парламентнинг фақатгина икки яъни, Умумий палата ва Лордлар палатасини назарда тутишади. Шу билан биргаликда, Монарх палатасини ҳам инобатга олинади. Чунки юқорида кўрсатилган учта элементнинг бирлашуви ҳуқуқий маънода парламент деб аталади. Айрим ҳолларда "парламент" атамаси фақатгина икки палатани назарда тутаяди, бироқ кўп ҳолларда парламентнинг асосий қисми сифатида умумий палата назарда тутилади.

"Қонун ижодкорлиги, парламент назорати тамойиллари ўзининг кучини деярли йўқотди. Популизмга берилиши ва сиёсий сафсата натижасида сиёсий радикализмга кенг йўл очилиб кетди. Консенсус, яъни, бахсли мунозаралар бўйича умумий битимга келиш деярли йўққа чиқарилди"[17].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик ҳокимиятини амалга оширувчи юқори давлат вакиллик органи ҳисобланади. Парламент фаолиятида "Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳақидаги" Қонун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қонун Олий Мажлис депутатининг ваколатини аниқлаб беради, унинг сиёсий партиялари ва ҳудудий ҳокимиятнинг вакиллик органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни, парламентдаги ўзаро вазифаларни мустаҳкамлайди. Бундан ташқари, ушбу ҳужжат депутатнинг расмий фракциялар, депутатлик гуруҳларига бирлашиш ҳуқуқини ҳамда депутатлик мавқеининг ҳимоя ҳуқуқларини кафолатлайди.

Миллий парламентимиз халқаро алоқаларининг кўлами ортиб, мазмун-мундарижаси тобора бойиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фақатгина 2013 йилнинг иккинчи ярми мобайнида мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бир қатор халқаро аҳамиятга молик учрашув ва тадбирлар ташкил этилган. Хусусан, 6 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон - Европа Иттифоқи" парламент ҳамкорлиги қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур қўмита икки томон ўртасида парламентаризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 1999 йилда "Ўзбекистон - Европа Иттифоқи" парламент ҳамкорлиги қўмитаси ташкил этилган.

Айни пайтда, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳамда мазкур қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш мақсадида ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент борасида ҳам Европа Парламенти делегацияси аъзолари билан ўзаро фикр алмашилди.

Умуман олганда, бугунги кунга келиб Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида демократлашув ва конституциявий ривожланиш жараёнлари самарадорлигини ошириш борасида фаол ўзаро тажриба алмашувини ва конструктив ҳамкорлик барқарор йўлга қўйилган.

## **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор

йиғилишидаги маърузаси. <https://president.uz/uz/lists/view/781>

2.Халилов Э.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи. - Т., "Ўзбекистон", 2001. Б-198.

3.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т., "Ўзбекистон", 2003. Б-19.

4."Плебисцитар" сўзи латин тилидаги plebiscitum сўзидан олинган бўлиб, умумхалқ муҳокамаси доирасида қарор қабул қилишни англатади. [https://duma.tomsk.ru/content/1\\_zarozhdenie\\_i\\_razvitie\\_parlamentarizma](https://duma.tomsk.ru/content/1_zarozhdenie_i_razvitie_parlamentarizma)

5.Белоусов М. Конституционное право зарубежных стран. <http://www.razlib.ru/>

6.Коновалова Л.Г.Современный парламент как основа становления парламентаризма//Юридические науки. - С. 107-111.

7.Правовые системы стран мира.//Отв. Ред.А.Я.Сухарев.-М.:Юристъ,2001.-С.107.

8.Кравченко Л.А. Парламент как институт представительной демократии // Конституционное и муниципальное право.-2002 -№ 2.

9.Милль Дж.Ст.Размышления о предъставительном правлении//Антология мировой политической мысли. В.5 т. Т.1.-М.:Мысль,1997.-С.738-740.

10.Дайси А.Основы государственного права Англии.М.,1905.С.44-45.

11.История политических и правовых учений. Учебник / Под ред. доктора юридических наук, профессора О. Э. Лейста. - М.: Издательство "Зерцало", 2000. - 219 с.

12.Виноградов. П.Г Вступительное замечание || Сидней .Л.Государственный строй Англии.М.,1910.С.5,50.

13.Туйчиев.Б. Проблемы формирования политической культуры и демократизации общества.Т.:Изд-во, 1981.С.151-153.

14.ХайекФ.А.Ўша асар.-Б.18.

15.Азизхўжаев А. Давлатчилик ва маънавият.-Т.:Шарк,1997.-Б.68-70.;Политология.-М.:Зеркало,1999.-С.251.

16.Одилкориев.Х.Конституция ва фуқаролик жамияти.-Т.:Шарк,2002.-Б.63.

17.Даврон Муитов. Ахборотлашган жамият хусусиятлари. Тошкент.: Маънавият-2015. -Б 7.